



Course: CORPORATE GOVERNANCE

Lecture 6. Control system in corporate governance

Lecturer: Xusainov Shavkat

Фан: КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ

6 - мавзу. Корпоратив бошқарувда назорат тизими

Маърузачи: Хусаинов Шавкат

1. Ички нazorат тизимининг ташкилий жиҳатлари ва амал қилиш механизми
2. Тафтиш комиссияси фаолият механизми
3. Ички аудит хизмати фаолият механизми
4. Корпоратив бошқарувда комплаенс тизими

- Акциядорлик жамиятларида ички назорат тизими жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг қонунчилик талаблари ва ички ҳужжатлар асосида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилади.
- Ички назорат тизими акциядорлик жамияти Устави, корпоратив бошқарув кодекси ва ички меъёрий ҳужжатлар асосида ишлайди.
- “Ички назорат тўғрисида”ги Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади ва унинг асосий мақсадлари, вазифалари, ишлаш принциплари ҳамда акциядорлик жамиятидаги шахсларнинг ички назоратдаги жавобгарлигини белгилаб беради.

Ички назорат тизими қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга
оширилади:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун;
- Акциядорлик жамияти Устави;
- Корпоратив бошқарув кодекси;
- “Ички назорат тўғрисида”ги Низом;
- “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом;
- “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги Низом.

АУЙ томонидан тасдиқланадиган "Ички назорат тўғрисидаги низом" қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ички назорат органи таркибига ҳамда унинг аъзолари малакасига талаблар;
- ички назорат тизими тўғрисидаги ҳисобот таркиби ва уни шакллантириш регламенти;
- ички назорат органи тизими самарадорлигини баҳолаш учун мустақил профессионал ташкилотлар маслаҳатчиларни жалб қилиш тартиби;
- ички назорат органи ишини мониторинг қилиш механизмлари тавсифи, унинг аъзоларига тўланадиган компенсация ва мукофот пулларини ҳисоблаш тартиби.

Ички назорат тизимининг самарали механизмларини жорий этиш
учун компания қуйидаги чораларни амалга оширади:

Кузатув кенгаши таркибида
мустақил аъзоларни киритиш
талаби:

■ Компания Уставида кўрсатилган талаблар асосида кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзони киритиш шарт. Мустақил аъзоларнинг компания ёки унинг аффилиланган шахслари билан боғлиқ бўлмаганлиги таъминланади.

Ҳомийлик ва беғараз ёрдам
масалалари:

■ Кузатув кенгаши ҳомийлик ёки беғараз ёрдам кўрсатиш ёки олиш тартибини белгилайди ва бу борадаги қарорлар фақат акциядорлар умумий йиғилиши ёки қонун ҳужжатларида кўрсатилган доирада қабул қилинади. Барча маълумотлар ошкора тарзда ошкор этилади.

Ички назорат тизимининг самарали механизмларини жорий этиш
учун компания қўйидаги чораларни амалга оширади:

Бизнес жараёнлар таҳлили ва
маслаҳатчилар жалби:



Ҳар йили мустақил профессионал ташкилотларни – маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда компаниянинг бизнес жараёнлари ва лойиҳаларнинг компания мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади.

Миноритар акциядорлар ҳуқуқ ва
манфаатларини ҳимоя қилиш:



Ички назорат тизими миноритар акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашни назарда тутди. Бунда ижроия органининг аффилиланган шахслар ва йирик битимлар бўйича мустақил ҳаракат қилишига йўл қўйилмайди.



Ички назорат тизимининг самарали механизмларини жорий этиш
учун компания қўйидаги чораларни амалга оширади:

Ички аудит хизмати ва унинг
ваколатлари:

Ички аудит хизмати компания ва унинг 50 фоиздан ортиқ улуши бор
юрidik шахслар билан амалга оширилган операциялар устидан
назоратни олиб боради.

Ички назорат органлари ва уларнинг
самарадорлигини баҳолаш:

Компаниядаги ички назорат органлари (тафтиш комиссияси ва ички аудит
хизмати)нинг самарадорлигини мустақил профессионал ташкилотлар
томонидан баҳоланиш тартиби белгиланади.

Ички назорат тизимининг самарали механизмларини жорий этиш
учун компания қўйидаги чораларни амалга оширади:

Ижро органидан мунтазам ҳисобот
олиш:

Ижро органи компания таркибига кирувчи ташкилотларнинг фаолияти юзасидан тасдиқланган бизнес-режага мувофиқ, бажарилган ишлар ва эришилган натижалар ҳақида кузатув кенгаши ва акциядорларга мунтазам равишда ҳисобот тақдим этади.

Корпоратив бошқарув кодекси ва
комплаенс тизими:

Корпоратив бошқарув кодекси асосида комплаенс тизими ихтиёрий тарзда жорий этилган бўлса-да, бугунги кунда акциядорлик жамиятларида унинг аҳамияти ортиб бормоқда. Комплаенс тизими акциядорлар ва бошқарув органлари ўртасида шаффофликни таъминлашга, рискларни бошқариш ҳамда ички назорат самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тафтиш комиссияси ва ички аудит хизмати фаолиятининг
механизмлари:

Тафтиш комиссияси:

■ Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилишига бўйсунди. Унинг асосий вазифаси молиявий-хўжалик фаолият устидан назоратни амалга ошириш ва акциядорларга аниқ маълумотлар тақдим этишдан иборат.

Ички аудит хизмати:

■ Ички аудит хизмати компанияда рискларни бошқариш ҳамда ички назорат тизимининг самарадорлигини мустақил баҳолаш билан шуғулланади.

Комплаенс хизмати:

■ COMPLIANCE хизмати ички ҳужжатлар ва қонунчилик талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида фаолият юритади. COMPLIANCE хизмати қонунбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

Акциядорлик жамиятларида самарали ички назорат тизимини ташкил этиш компаниянинг барқарор ривожланиши ва акциядорларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув ва ички назорат тизимида тафтиш комиссиясининг фаолияти муҳим ўрин тутди.

Акциядорлик жамиятларида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, акциядорлик жамиятининг Устави ҳамда “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом асосида комиссиянинг мақоми, ваколатлари ва фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб қўйилади.

Тафтиш комиссиясининг Низоми акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.



Тафтиш комиссияси (тафтишчи):

АЖ молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш учун жамият уставида жамиятнинг тафтиш комиссиясини тузиш (тафтишчисини сайлаш) назарда тутилиши мумкин.

Тафтишчига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари АУЙ томонидан белгиланади. Айти бир шахс айти бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

Тафтиш комиссияси акциядорлик жамиятининг
молия-хўжалик фаолиятини назорат қилувчи
орган бўлиб, унинг фаолиятига **Кузатув**
кенгаши ёки ижроия органи аралashi
мумкин эмас.
Комиссия акциядорлар умумий йиғилишига
ҳисобдор ҳисобланади.

Комиссиянинг асосий вазифалари
қуйидагилардан иборат:

1. Акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва таҳлил қилиш.
2. Аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.
3. Ижро этилган текширувлар натижаларига асосан ишларни яхшилаш учун таклифлар бериш.
4. Молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича ҳисобот ва хулоса тузиш.



Тафтиш комиссияси қуйидаги
ваколатларга эга:

- Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш.
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши қарори ёки овоз берувчи акцияларнинг камида **беш фоизига** эгалик қилувчи акциядорларнинг талаби асосида компаниянинг бошқа даврлар ичидаги фаолиятини текшириш.
- Бир йиллик ёки бошқа даврлар ичидаги текширувлар натижалари бўйича ҳисобот ва хулосалар тайёрлаш.
- Ижроия органи ёки Кузатув кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аффилиланган шахслар билан тузилган битимларни ва йирик битимларни таҳлил қилиш.

Комиссия аъзолари ва
уларнинг вазифалари:

- Комиссия аъзолари бухгалтерия ҳисоби, аудит ёки молия соҳасида олий маълумотга ва камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши лозим.
- Улар ўз фаолияти давомида ҳалоллик билан иш тутиш, компания ва унинг акциядорлари манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятига эга.
- Аъзолар ўз вазифаларини тўғри бажармаслик ҳолатида акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ваколатларидан маҳрум қилиниши мумкин.



Комиссия фаолиятининг
ташкилий жиҳатлари:

Комиссия раиси аъзолар томонидан сайланиб, унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Комиссия ишини ташкил қилиш ва мажлисларини чақириш.
- Комиссиянинг баённомаларини ва хулосаларини имзолаш.
- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашиш.

Комиссия мажлислари йилда камида **икки марта** ўтказилиши керак. Унда қабул қилинган қарорлар комиссия аъзоларининг **кўпчилик овози** билан тасдиқланади. Комиссия мажлисларининг баённомалари аъзолар томонидан имзоланиб, компаниянинг бошқа бошқарув органларига тақдим этилади.



Тафтиш комиссиясининг сон таркиби акциядорлик жамияти Устави билан белгиланади:

- Тафтиш комиссияси аъзолари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан бир муддатга сайланади.
- Айти бир шахс тафтиш комиссияси таркибига **кетма-кет уч мартадан ортиқ** сайланиши мумкин эмас.
- Тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаслиги ҳолларида уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш АУЙ қарорига кўра амалга оширилади.

- Овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар молия йили тугаганидан кейин ўттиз кундан кечиктирмай, АЖ тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.



Ўзметкомбинат АЖ тафтиш комиссияси таркиби

№	Фамилияси, исми, шарифи	Лавозими
1.	Жахонгир Бахтиярович Хайдаров	ЎзР Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бўлим мудир
2.	Санжар Сабриддинович Қурбоналиев	ЎзР ДАБА Давлат иштирокидаги корхоналарнинг корпоратив фаолиятини таҳлил қилиш бошқармаси бошлиғи
3.	Абдулазиз Саъдулло ўғли Сайфуллоев	ЎзР ДАБА Давлат корхоналарини бошқариш ва назорат қилиш органларини шакллантириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
4.	Элдорбек Арисланбекович Султанов	ЎзР ахборот технологиялари, хизматлар ва молия саноати соҳасидаги активларни ўзгартириш ва хусусийлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари
5.	Виктория Валеревна Мустафина	Бошқарув раисининг сратегик ривожланиш, молия ва корпоратив бошқарув масалалари бўйича ўринбосари.



■ Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган акциядорлик жамиятларида ички аудит хизмати ташкил этилиши мажбурий ҳисобланади.

■ Ички аудит хизмати хизмат жамиятнинг Кузатув кенгашига тўғридан-тўғри ҳисобдор бўлиб, унинг асосий мақсади жамиятда **ички назорат тизимини қўллаб-қувватлаш, молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигини ошириш** ҳамда қонунчиликка мувофиқликни таъминлашдан иборат.



Ички аудит хизмати қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боради:

1. Жамиятнинг ижроия органлари ва таркибий бўлинмаларининг, шунингдек ваколатхона ва филиалларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатларига ва ички меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини назорат қилиш ва баҳолаш.
2. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўғри ва ишончли акс эттирилишини таъминлаш.
3. Хўжалик операциялари ва активларнинг сақланишини назорат қилиш.
4. Жамиятнинг бошқаруви бўйича қонунчилик талабларига риоя қилиниши мониторингини амалга ошириш.



Ички аудит хизмати Кузатув кенгаши **қарори билан ташкил этилади** ва жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган таркибий бўлинма ҳисобланади. Ушбу хизмат қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;
- Ички аудит жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тезкор тавсиялар киритиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш.



Ички аудит хизмати фаолиятининг асосий вазифалари:

Ички назорат тизимини ташкил қилиш:

- Ички аудит хизматининг асосий мақсади — жамиятнинг молиявий ва бошқарув фаолиятини назорат қилиш, тизимдаги мавжуд хато ва камчиликларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Текшириш ва мониторинг ўтказиш:

- Ички аудит хизмати ҳар чорақда белгиланган йўналишлар бўйича текширишлар ўтказади, хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини экспертиза қилади ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисобот бўйича методик ёрдам кўрсатади.

Ички назорат амалиётларини такомиллаштириш:


- Хизмат жамиятнинг ички назорат амалиётларини таҳлил қилади, ички аудит жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун таклифлар ишлаб чиқади.

Ташқи аудиторлик текширувларига кўмаклашиш:

- Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлаш, техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва аудиторлик текширувлари учун методик ёрдам кўрсатиш.



Ички аудит натижалари ва ҳисобот
бериш



Текширув натижалари бўйича тузилган ҳисоботда бизнес-режанинг бажарилишини таҳлил қилиш, корпоратив бошқарув талабларига риоя қилиш ҳолати, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларда аниқланган хато ва камчиликларни кўрсатиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ҳисобланиши ва тўланиши ҳолати ёритилади.



Ҳисобот Кузатув кенгашига тақдим этилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.



Қуйидагилар ҳар йили мажбурий
аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

- акциядорлик жамиятлари;
- банклар ва бошқа кредит ташкилотлари;
- суғурта ташкилотлари;
- инвестиция фондлари ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар;
- манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари ва бошқа ижтимоий фондлар;
- маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар;
- устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат унитар корхоналари.
- фонд ва товар биржалари.

Қуйидагилар ҳар йили мажбурий
аудиторлик текширувидан ўтиши керак:

- Аудиторлик ташкилоти айнан бир ХЮСнинг фаолиятини кетма-кет *беш йилдан ортиқ* аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас.
- Устав капиталидаги давлат улуши *50 фоиздан кўп бўлган АЖларда* аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш *ЎзР ДАБА ҳамда ЎзР Иқтисодиёт ва молия вазирлиги* томонидан белгиланадиган рўйхатдан келиб чиққан ҳолда танлов асосида амалга оширилади.

Корпоратив бошқарувда
ташқи аудит


АЖ МҲХСларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, йиллик АУЙ ўтказиладиган санадан *камида икки ҳафта олдин* эълон қилиши шарт.



Халқаро амалиётда ички аудит фаолияти

Ривожланган мамлакатларда ички аудит хизмати директорлар кенгаши томонидан қуйидаги вазифаларни бажаришга жалб этилади:

- бизнес жараёни ва бирлашган назорат тизимининг давомли таҳлилини юритиш;
- назорат тизимларининг кўлами ва самарадорлигини баҳолаш;
- бошқарув ва молиявий фаолият устидан доимий назоратни олиб бориш;
- корпоратив миссия, сиёсат ва вазифалардаги ютуқларни баҳолаш;
- ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини аниқлаш;
- активларнинг қиймати ва мавжудлигини тасдиқлаш;
- хатоликлар ёки товламачиликларга қарши махсус текширишлар ўтказиш;
- битимларнинг ижросини таҳлил қилиш ва муаммоларни аниқлаш;
- ташкилот қийматини ва иш юритишдаги этика кодексларини таҳлил қилиш.



Ички аудит хизмати фаолияти давомида юқоридаги вазифаларни самарали амалга ошириш учун ҳам ички, ҳам ташқи манбалар билан ҳамкорлик қилади ва жамиятнинг молиявий ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

Комплаенс тизимининг асосий принциплари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **Мустақиллик:** Барча умуммажбуриятлардан мустақил бўлиш ва расмий мақомга эга бўлиш.
- **Коррупцияга қарши кураш:** Компания ичида коррупцион ҳолатларга йўл қўймаслик ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш.

Комплаенс тизими ходимлар билан ишлаш, ҳамкорлар билан ҳамкорлик қилиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда коррупцияга қарши профилактика каби йўналишларда фаолият юритади.

Комплаенс тизими ходимларни бошқариш, маркетинг, ички аудит ва хавф-менежмент каби бўлимларнинг вазифаларини такрорламайди, балки мазкур бўлимлар билан биргаликда корпоратив тартиб-қоидаларнинг тўғри амал қилишини таъминлайди.



Комплаенс тизими ходимларни танлашда қуйидаги асосий қадамларни бажаради:

- Ходимлар анкета-сўровномаларини ўтказиш ва уларнинг маълумотларини текшириб, корпоратив муҳитга мос келишини баҳолайди.
- Ходимларнинг биографик маълумотларини ўрганиб, тавсифнома шакллантиради.
- **Судланганлик ҳолатларини текширади:** жумладан, молиявий фирибгарлик ва жинсий зўравонлик ҳолатлари аниқланса, бундай шахсни ишга қабул қилишдан воз кечилади. Лекин баъзи ҳолларда эҳтиётсизлик туфайли содир этилган ҳуқуқбузарлик учун судланган шахснинг яхши мутахассис эканлиги аниқланса, унинг малакасидан фойдаланиш мумкин.
- Ходимларнинг кредит тарихини ўрганиб, уларнинг молиявий интизомга риоя қилиш даражасини баҳолайди.

Комплаенс тизимининг вазифалари қуйидагиларни қамраб олади:

- Корпоратив компанияларнинг фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ юридик хатарларни аниқлаш ва уларни назорат қилиш.
- Корпоратив стандартлар ва этика қоидаларига амал қилинмаслиги орқали компания репутациясининг йўқотилиши хавфи ҳақида раҳбариятни огоҳлантириш.
- Мавжуд корпоратив ички назорат органлари (ички аудит ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилиш орқали тартибга солиш ва назорат жараёнларини интеграция қилиш.
- Компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида, бошқа компаниялар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш.
- Хатарларни тартибга солиш ва уларни камайтириш учун тегишли таклифларни ишлаб чиқиш ва бошқарув органларига тақдим қилиш.

Комплаенс тизимининг вазифалари қуйидагиларни қамраб олади:

- Компания бошқаруви, ходимлар ва стейкхолдерлар ўртасидаги манфаатлар тўқнашувларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш.
- Стейкхолдерлар мурожаатларини ва аризаларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларига мувофиқлигини баҳолаш.
- Компания ва мижозлар ўртасидаги турли муносабатларда порахўрлик ва раҳбарларни сотиб олиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган ички ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва бошқарув органларига ҳисобот тақдим қилиш.
- Корпоратив ички ҳужжатларни ишлаб чиқишда, шунингдек, қоидалар, кодекслар ва касбий этика нормаларига риоя қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Халқаро амалиётда комплаенс тизими икки моделга асосланган бўлиши мумкин:

Ички қонун-қоидаларга мос модел:

- Бу моделда компания ёки ташкилот фаолияти ички қонунчилик меъёрлари ва қоидаларга асосланган. Бу ҳолатда компания фақат миллий қонунчилик талабларига амал қилади ва халқаро тавсияларни қўлламайди.

Халқаро стандартларга мос модел:

- Нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро стандартлар ва ташкилотларнинг тавсиялари асосида амалга оширилади. Бу моделда коррупцион хавф-хатарларни камайтириш учун қўшимча қоидалар ҳам жорий этилиши мумкин.

Мамлакатимизда комплаенс тизими ривожлантириш бўйича қатор қонунлар қабул қилинган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли фармониға мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб “Ўзбекистон ҳаво йўллари” АЖ, “Қварц” АЖ, “Асака” банки ва бошқа йирик давлат иштирокидаги компанияларда комплаенс тизими синов тариқасида жорий этилган.
- Президентнинг 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сонли фармониға мувофиқ, 2021 йил 1 июлга қадар давлат иштирокидаги корхоналарда “мувофиқлик тизими” (комплаенс) ва коррупцияға қарши хизматлар шакллантирилиши белгиланган.
- “Ўзбекнефтгаз” АЖда молиявий ва комплаенс назорат департаменти ташкил этилиб, унинг фаолияти комплаенс соҳасидаги қонунчилик меъёрларига риоя этилиши, молиявий ва бошқа ҳуқуқбузарликларни олдини олишға қаратилган.

Халқаро амалиётда эса комплаенс тизими кўплаб давлатларда қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади:

- **АҚШда** "Хорижда коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги акт" (Foreign Corrupt Practices Act, 1977), "Сарбейнз-Оксли Акти" (Sarbanes-Oxley Act, 2002) ва "Додд-Франк Акти" (Dodd-Frank Act, 2010) каби қонунлар компаниялар учун комплаенс тизимини ташкил этишни мажбурий талаб сифатида белгилайди.
- **Словенияда** "Словения давлат холдинги тўғрисида"ги қонун (Slovenian Sovereign Holding Act, 2014) комплаенс назоратининг мақоми ва ваколатларини белгилайди.

Корпоратив бошқарувда комплаенс тизимининг жорий этилиши компания фаолиятида шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ва фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам беради.



Антикоррупцион комплаенс:

Буюк Британия	Франция
<p>1 млрд. фунт стерлинг капиталга эга бўлган 800 дан ортиқ корпорация ва банкларда антикоррупцион комплаенс ташкил этилган.</p>	<p>800 000 евродан ошиқ капиталга эга бўлган барча корпорация ва банклар антикоррупцион комплаенс назорат тизимларини жорий этган бўлишлари шарт.</p>



1. Corporate governance: principles, policies and practices, Tricker B. / Oxford, 2015
2. Zamonaviy korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./T.: "Iqtisod-moliya". 2019
3. Korporativ boshqaruv: Darslik, Elmirzayev S./ T.: "Zebo Print", 2021
4. Korporativ boshqaruv: muammolar va zamonviy yechimlar. Suyunov D.X., Xoshimov E.A., Xusainov Sh.A. / Toshkent: Biznes va tadbirkorlik oliy maktabi, 2021



Раҳмат!